Impact Factor: 5.479

ISSN 2181-9505
Doi Journal 10.26739/2181-9505

Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special Issue 2 | 2023

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
O‘ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

2 MAXSUS SON

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

SPECIAL ISSUE 2

Jurnal bir yilda 4 marta nashr qilinadi.

Журнал выходит 4 раза в год.

The journal is published 4 times in a year.

ISSN: 2181-9505
DOI: 10.26739/2181-9505

2023

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL
№SI-2 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2023-SI-2

Tahrir kengashi:
Abdildina, R.J. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor
Askarov, T.A. — Qirg'iziston FA akademigi, f.f.d., professor
Bazarbayev, J. — O'zbekiston FA akademigi, f.f.d., professor
Bashimov, V.V. — Turkmaniston milliy ta'lim instituti direktori
Werner Bush — dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)
Mamedzade, I.R. — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor
Morevedge, P. — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor
Nisanbayev, A.N. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor
Skarantino, L.M. — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)
Smirnov, A.V. — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA "Falsafa" instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)
Tursunov, A. — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)
Tsuy Veyxan — Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)
Chumakov, A.N. — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

Muassislar:
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy - tadqiqot markazi
O'zbekiston falsafa jamiyati
OOO tadqiqot.uz

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar ro'yxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrdagi 260/7 sonli bayonnoma

Ro'yxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.

Bosh muharrir:
Shermuhamedova, N.A., — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Bosh muharrir o'rinbosari:
Muhamedova, Z.M., — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Mas'ul muharrir:
Safayeva, S.X., — f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Tahrir hay'ati:
Allahyarova, T. — f.f.d., professor (Azarbayjon)
Andirjanova, G.A., — s.f.d., professor (Qozog'iston)
Abasov, A. S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)
Ahamer, G. — PhD, professor (Avstriya)
B.K. Santosh Kukreja, — DSc, professor (Hindiston)
Bodio Todeush, — s.f.d., professor (Polsha)
Bilalov, M. I., — f.f.d., professor (Rossiya)
Berna, A., — PhD. professor (Turkiya)
Vefa Tashdelen, — f.f.d., professor (Turkiya)
Gabitov,T. X. — f.f.d., professor (Qozog'iston)
Guseynov, S. — f.f.d.,professor (Azarbayjon)
Gezalov, A.A., — f.f.n., professor (Rossiya)
Ivatova, L.M., — s.f.d., professor (Qozog'iston)
Kurmangaliyeva, G.K., — f.f.d., professor (Qozog'iston)
Lazarevich, A.A., — f.f.n., professor (Belorussiya)
Muzaffarov, M. — f.f.d., professor (Tojikiston)
Morevedge, R. — DSc, professor (AQSH)
Naushanbayeva, A., Hakimogli, — PhD filos., professor (Turkiya)
Olatunji Felix. O. — DSc., professor (Nigeriya)
Paxruddinov, Sh. I., — s.f.d., professor (O'zbekiston)
Sadikova, N.N., — f.f.d., professor (Tojikiston)
Saifnazarov, I.S., — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Sergeyev, M.Y., — PhD, professor (AQSH)
Telebayev, G.T., — f.f.d. professor (Qozog'iston)
To'rayev, B. O., — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Urmanbetova, J.K., — f.f.d., professor (Qirg'iziston)
Chjan Baychun, — f.f.d., professor (Xitoy)
Shadmonov, Q.B., — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Fishier, A. — f.f.d., professor (Fransiya)
Yaxshilikov, J. — f.f.d., professor (O'zbekiston)
Yaskevich, Y.S., — f.f.d., professor (Belorusiya)

Ilmiy kotib:
Mahkamov, U. (O'zbekiston)
Musahhihlar:
Xidirov, M.T., (O'zbekiston)
Hamdamova, S. (O'zbekiston)
Madiyorova, V. (O'zbekiston)
Saurov, R.R., (O'zbekiston)

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
№SI-2 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2023-SI-2

Редакционный совет:
Абдильдина, Р. Ж. - академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор
Аскаров, Т. А. - академик АН Киргизистана, д.ф.н., профессор
Базарбаев, Ж. - академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор
Башимов, В. В. - директор национального института образования Туркменистана
Вернер Буш. - экх президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)
Мамедзаде, И. Р. - д.ф.н., профессор, директор института "Философии и социологии" АН Азербайджана
Мореведж, П. - DSc. профессор, руководитель GSP США
Нысанбаев, А.Н. - академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор
Скарантино, Л. М. - президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)
Смирнов, А. В. - академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)
Турсунов, А. - академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор
Цуй Вэйхан - Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)
Чумаков, А. Н. - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

Учредители:
Международный научно-исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана,
ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабрь протокол №260/7

Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана

Главный редактор:
Шермухамедова, Н. А. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Заместитель редактора:
Мухамедова, З. М. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ответственный редактор:
Сафаева, С. Х. - к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Редакционная коллегия:
Аллахярова, Т. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Андиржанова, Г. А. - д.п.н., профессор (Казахстан)
Абасов, А. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Ахамер, Г. - PhD, профессор (Австрия)
В.К.Сантош Кукреджа. - PhD, профессор (Индия)
Бодио Тодеуш. - д.п.н., профессор (Польша)
Билалов, М. И. - д.ф.н., профессор (Россия)
Берна, А. - PhD.- профессор (Турция)
Вефа Ташделен - д.ф.н., профессор (Турция)
Габитов, Т. Х. - д.ф.н., профессор (Казахстан)
Гусейнов, С. -д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Гезалов,А.А. - к.ф.н., профессор (Россия)
Иватова, Л. М. - д.п.н., профессор, (Казахстан)
Курмангалиева, Г. К. - д.ф.н.,профессор (Казахстан)
Лазаревич, А А - к.ф.н., профессор (Беларусия)
Музаффаров, М. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
Мореведж, Р. — DSc, профессор (США)
Наушабаева, А., Хекимоглы - PhD, профессор (Туркия)
Олатунжи Феликс О. — DSc, профессор (Нигерия)
Пахруддинов, Ш.И. - д.п.н., профессор (Узбекистан)
Садикова, Н. Н. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)
Саифназаров, И.С. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сергеев, М. Ю. - PhD, профессор (США)
Телебаев, Г.Т. - д.ф.н., профессор (Казахстан)
Тураев, Б.О. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Урманбетова, Ж. К. - д.ф.н., профессор (Киргизистан)
Чжан Байчун - д.ф.н., профессор (Китай)
Шадманов, К.Б. - д.ф.н. профессор (Узбекистан)
Фишлер, А. - д.ф.н., профессор (Франция)
Яхшиликов, Ж. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Яскевич, Я.С. - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

Ученый секретарь:
Махкамов, У. (Узбекистан)

Корректоры:
Хидиров, М.Т. (Узбекистан)
Хамдамова, С. (Узбекистан)
Мадиярова, В. (Узбекистан)
Сауров, Р.Р. (Узбекистан)

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL
№SI-2 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2023-SI-2

Editorial Council:
Abdildina, R.J. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
Askarov, T.A. - academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;
Bazarbaev, J. - academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor
Bashimov B.B. - director of national Institute of education of Turkmenistan
Werner Bush - President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)
Mamedzade, I.R.- director of Institute "Philosophy and sociology" AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor
Morewedge, P. - Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA
Nysanbaev, A.N. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor
Scarantino, L.M. - President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)
Smirnov, A.V. - Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)
Tursunov, A. - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor
Tsui Weihan - vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)
Chumakov, A.N. - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

Founders:
Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan OOO tadqiqot.uz

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information

Editor-in-Chief
Shermukhamedova, N.A. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Deputy Editor:
Mukhamedova, Z.M.- doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Managing editor:
Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)
Editorial team:
Allahyarova, T. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
Andirjanova, G.A. - doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)
Abasob, A. S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
Ahamer G. - PhD, professor (Austria)
B.K. Santosh Kukredja, - PhD., professor (India)
Bodio Todeus. - doctor of political sciences, professor (Poland)
Bilalov, M.I. - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)
Berna, A. - PhD., professor (Turkey)
Vefa Tashdelen. - doctor of philos. sciences, professor (Turkey)
Gabitov, T.H. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)
Guseynov, S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)
Gezalov, A.A. - PhD. of philos., associate professor (Russia)
Ivatova, L.M. - doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)
Kurmangaliyeva, G.K. - doctor of philos., professor (Kazakhstan)
Lazarevich, A. A. - PhD philos., professor (Belarus)
Morewedge, R. - doctor of philology, professor (USA)
Muzaffarov, M. - doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)
Naushanbaeva, A., Hakimogli. - PhD. philos., professor (Turkey)
Olatunji, Felix.O. - DSc, professor (Nigeriya)
Pakhruddinov, Sh.I. - doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)
Sadikova, N.N. - doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)
Saifnazarov, I.S. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Sergeev, M.Yu. — PhD, philos., professor (USA)
Telebaev, G.T. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)
Turaev, B.O. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Urmanbetova, J.K. - doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)
Zhang Baichun - doctor of philos. sciences, professor (China)
Shadmanov, Q. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Fischler, A. - doctor of philos. sciences, professor (France)
Yaxshllikov, J. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)
Yaskevich, Ya.S. - doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

Scientific Secretary:
Mahkhamov, U. (Uzbekistan)
Correctors:
Khidirov, M.T. (Uzbekistan)
Hamdamova, S. (Uzbekistan)
Madiyorova, V. (Uzbekistan)
Saurov, R.R. (Uzbekistan)

MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Burkhanova Ma'mura Gulyamovna
EDUCATION AS IMPARTIAL PART OF INTELLIGENCE……..7

2. Бурханова Маъмура Гулямовна
ИНТЕЛЛИГЕНТНОСТЬ КАК ПОСТУЛАТ ДОБРОТЫ И ТОЛЕРАНТНОСТИ (ПРАКТИЧЕСКИЙ ПРИМЕР ЗНАЧЕНИЯ)…….12

3. Данабаев Хуршид Напасович
В УМЕНЬШЕНИИ СОЦИАЛЬНОГО ЯВЛЕНИЯ БЕДНОСТИ В ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ ЗНАЧЕНИЕ ТРУДОВОГО ВОСПИТАНИЯ……..17

4. Maxmudova Aziza Nugmanovna
ZAMONAVIY TIBBIYOTDA BIOETIKANING FAN VA ZAMONAVIY JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI……...25

5. Султанова Гулноза Сабировна
КОНСТРУКТИВНЫЕ И ДЕСТРУКТИВНЫЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ ИНТЕЛЛЕКТ (СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)…….30

6. Tashmetov Tuxtasin Xudayberganovich
GLOBAL O'ZGARISHLAR DAVRIDA AXBOROT OLAMIDAGI YOT VA ZARARLI G'OYALARNING KO'RINISHLARI……..38

7. Джуракулов Хусан Анварович
ЗАМОНАВИЙ ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ……...44

8. Дилноза Нарзикулова Хошимжоновна
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР……...53

9. Кузиев Нодир Абдусалимович
ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИ. ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАХЛИЛ……59

10. Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна
НАҚШБАНДИЯ ВА ҲАКИМИЯ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ……...64

11. Нормаматова Махсуда Нурмаматовна
ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТНИ ВИРТУАЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛЛАРИ ВА АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ……...80

12. Усмонова Лайло Рахматуллаевна
ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЎРТА АСРЛАР ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА ЖАХОН ФАЛСАФА ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ…….87

13. Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна
ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ РИВОЖИ: БАХТ-САОДАТ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ…….93

14. Jabborova Saodat Sattorovna
JAMIYAT MA'NAVIY SALOHIYATIGA XAVF SOLAYOTGAN OMILLAR VA ULARNING TAHLILI……..100

FALSAFA VA HAYOT
ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ
PHILOSOPHY AND LIFE

УДК:18:321(575:1)

Нормаматова Махсуда Нурмаматовна
Фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент.
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
e-mail:m.normamatova@mail.ru
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТНИ ВИРТУАЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛЛАРИ ВА АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8330686

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола виртуаллик тушунчасини маъноси ёритилган. Ахборотлашган жамиятда виртуал образлар ва виртуал реаллик таъсири тўғрисида илмий маълумот берилган. Виртуаллик тушунчасининг тарихий тараққиёти ёритиб берилган. Ижтимоий ҳаётни бугунги куринишлари яъни виртуаллашган жамият, виртуал реалликлар, виртуал образлар уларнинг бугунги кун ижтимоий жараёнларга таъсири масаласи кенг баён этилган. Бугунги кун ёшлари виртуал реалликлар билан тўқнаш келганда учрайдиган тўсиқлар ҳақида тўхталиб ўтилган. Фан техника тараққиёти виртуал образларни реаликка айланиш жараёни кишилар дунёқарашига таъсири масаласи ўрганилган. Виртуалистика янги фалсафий йўналиш, янги фан парадигмаси эканлиги чуқур таҳлил қилинган. Мақолада виртуаллик ва реал ҳаёт уйғунлиги соғлом ижтимоий муҳитни яратишининг концепциясифалсафий таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотда виртуаллик бу имкониятдаги борлиқ эканлиги ва инсон ҳаёлот олами кенг имкониятлар эшигини очиши айтиб ўтилган.

Калит сузлар: виртуаллик, билиш, эпистемология, виртуал реаллик, виртуал образ, ахборот.

Нормаматова Махсуда Нурмаматовна
(Узбекистан, Самарканд)

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВИРТУАЛИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНЫХ УСЛУГ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается значение понятия благородства. В информированном обществе предоставляется научная информация о виртуальных образах и воздействии виртуальной реальности. Был освещен исторический прогресс концепции власти. Широко освещается вопрос о влиянии социальной жизни на современные институты, то есть развитое общество, виртуальные реальности, виртуальные образы на социальные процессы сегодняшнего дня. Сегодняшняя молодежь коснулась препятствий, которые приходят на ум, когда речь заходит о столкновении с виртуальными реальностями. Изучен вопрос о влиянии

процесса превращения виртуальных образов в реальность на мировоззрение людей. Виртуалистика была глубоко проанализирована как новое философское направление, новая парадигма науки. В статье анализируется концепция создания здоровой социальной среды. В этой исследовательской работе утверждается, что благородство-это существо в этом качестве, и мир человеческого воображения открывает двери широких возможностей.

Ключивые слово: виртуалистика, эпистемология, виртуальное реальност, виртуальной образ, информация.

Normamatova Mahsuda Nurmamatovna
(Uzbekistan, Samarkand)

THEORETICAL MODELS AND PRACTICAL TECHNOLOGIES FOR THE VIRTUALIZATION OF SOCIAL SERVICES.

ABSTRACT

This article covers the meaning of the concept of nobility. In an informed society, scientific information is given about virtual images and the impact of virtual reality. Historical progress of the concept of power has been highlighted. The issue of the impact of social life on today's institutions, that is, the developed society, virtual realities, virtual images on the social processes of today is widely described. Today's day youth touched on the obstacles that come to mind when it comes to confronting virtual realities. The question of the impact of the process of turning virtual images into reality on the outlook of people has been studied. Ualualistics has been deeply analyzed as a new philosophical direction, a new paradigm of science. In the article, the concept of creating a healthy social environment is analyzed. In this research work, it is stated that nobility is the being in this capacity and the world of Human Imagination opens the door of wide possibilities.

The support (most important) words: virtualuty, knowing, epistemology, virtual reality, virtual imagein, information.

Кириш

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида ижтимоий хизматларни виртуаллаштириш жамиятдаги моддий-маданий ва маънавий-маърифий жараёнларга боғлиқлигини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, унинг илмий-назарий жиҳатлари, амалий аҳамияти масалалари, методологик моҳияти, ижтимоий хизматларни виртуаллаштиришнинг актуал жиҳатлари борасидаги тадқиқотлар етарли эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга ҳозирги даврда дунёда виртуал ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёни инсониятга хос ҳаракат тури сифатида унинг халқаро тажрибаси ва амал қилишини таъминлашда умумбашарий, минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда абадиятга дахилдор ижтимоий хизматни виртуаллаштириш мезонларнинг жамият интеллектуал тараққиётига ҳамоҳанглиги, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш зарурий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолининг турли қатламларига ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, жисмоний салоҳиятини инобатга олган ҳолда амалий ёрдам кўрсатиш тизимини виртуаллаштириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. “Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак”. Шу мақсад йўлида, ривожланган мамлакатларнинг синовдан ўтган тажрибалари асосида ижтимоий хизматлар тизимини янгича механизмларини ташкил этиш ва мамлакатимизда замонавий, ижтимоий хизматларни шакллантириш борасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бундан келиб чиқиб, истиқболли, ижтимоий хизматларини виртуаллаштириш қонуниятларини назарий-методологик таҳлил этиш объектив заруриятга айланмоқда.

Материаллар ва методлар

Тадқиқот методологияси. Мақолада ижтимоий хизматнинг виртуаллашувининг анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш, индукция, дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик усулларидан унумли фойдаланилди.

Адабиётлар таҳлили. Мақолада рус, хориж ва республикамиз олимларининг ижтимоий хизматларнинг виртуаллашуву ва унинг табиати, ривожланишга таьсир этувчи омилларга оид асарлардансамарали фойдаланилди. Силаева, В. Л. (Подмена реальности как социокультурный механизм виртуализации общества: дисс. …канд. филос. наук. – М.: МГТУ им. Н Э.Баумана, 2004. – С. 46.), Давыдов А.А. (Компьютационная теория социальных систем // Социс. – 2005. – № 6.), Хабермас Ю. (Расколотый Запад. – М., 2008. – С. 21.), Giddens A. (Modernity and self-identity: Self and society in the Late Modern Age. – Cambridge: Polity Press, 1991. – P. 53.), Нормаматова М.Н. (Жамиятни виртуаллаштириш: асосий омиллар ва детерминантлар. // Falsafa va hayot. Xalqaro jurnal. – Тошкент, № SI-2 Август 2021 – Б. 201-210.).

Мухокама ва натижалар

Ижтимоий хизматларни фуқароларнинг барча ижтимоий ҳуқуқ, манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, давлат, хусусий ва нодавлат секторлари томонидан пуллик, қисман пуллик ёки беғараз кўрсатиладиган хизматлар мажмуасидир, дея таъриф берсак, моҳият янада ойдинлашади. Ижтимоий хизматлар аҳоли барча қатламларининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, инсон капиталини ривожланишига хизмат қилади. Ижтимоий хизмат, аввало, талаб ва таклифдан келиб чиқади. Ижтимоий хизматга талабнинг кўплиги хизматлар бозорида янги субъектларнинг вужудга келишига олиб келади.

Жамиятни виртуаллаштириш ижтимоий трансформациясига комплекс ёндашув Д.В.Иванов томонидан кўрсатилган бўлиб, уни реал нарсалар ва ҳаракатларни образлар – симуляциялар билан алмаштириш сифатида тақдим этади. Муаллиф жамиятни виртуаллаштиришни трансформациялашнинг учта асосий хусусиятини аниқлайди:

- таъсирнинг номоддийлиги (тасвирланган объект ҳақиқийга хос эффектларни келтириб чиқаради);
- параметрларнинг шартлилиги (объектлар сунъий ва ўзгарувчан);
- эфемерлик (кириш - чиқиш эркинлиги узилиш ва мавжудликни қайта тиклаш имкониятини таъминлайди).

Айнан шу хусусиятлар, бизнингча, социологияда интернет виртуал маконининг тадқиқот соҳасини белгилайди. В.Л.Силаева жамиятни виртуаллаштиришнинг яна бир ўта муҳим хусусиятини, яъни унинг объектив воқеликдан ҳосил бўлган иккиламчи табиатини қайд этади. У виртуаллаштириш, биринчи навбатда, инсон фаолияти соҳаларига боғлиқ бўлиб, априор тарзда феноменологик равишда виртуал табиатга эга, шунинг учун ҳозирги виртуал-лаштириш жараёни улар учун иккинчи даражали. Бу шуни англатадики, виртуаллаштириш ижтимоий ўзаро таъсирнинг характерини сезиларли даражада ўзгартиради, уни интерактив тармоқ режимига ўтказади, ўзаро таъсир иштирокчиларининг миқдорий таркибини кенгайтиради ва уларни географик боғлиқликдан халос қилади. Шу муносабат билан виртуализация жараёнига учраган ижтимоий ўзаро таъсирларнинг турлари алоҳида аҳамиятга эга.

Интернет энг янги воситалардан бири сифатида шахсларнинг анъанавий ўзаро таъсир шаклларини интерактив режимга айлантиради, натижада, кибермайдон иштирокчилари ва жисмоний шахсларни кундалик ҳаётининг турли хил ижтимоий амалиётлари ўртасида горизонтал алоқалар шаклланади. Шу нуқтаи назардан, А.А.Давыдовнинг “ижтимоий тизимларнинг компьютацион назарияси” жуда аҳамиятлидир. У сунъий интеллектга эга ва интернетдаги шахсларнинг барча ўзаро муносабатларида кўринмас ҳолда мавжуд бўлган “сунъий ижтимоий агентлар” тушунчасини киритди. Бундай “сунъий ижтимоий агентлар” сифатида муаллиф инсоннинг хоҳишига биноан табиат ва жамиятда мавжуд бўлган хусусиятлар ва муносабатларга тақлид қила оладиган компьютер моделларини номлайди. Шундай қилиб, интеллектуал технологияларнинг жадал ривожланиши шароитида алоқанинг

янги турлари, компьютер технологиялари онгни, кундалик ҳаётни, меҳнатни ва инсон ҳаётининг бошқа соҳаларини ўзгартиради. Е.Тоффлер ўзининг “Адаптив корпорация” асарида жамиятнинг янги “супериндустриал” типи вужудга келаётганини, унда ташкил этишнинг анъанавий шакллари ўз самарасини бермаслигини қайд этади.

Инсоннинг кундалик ҳаётини виртуаллаштиришда замонавий жамиятдаги инсон тез ўзгарувчан ижтимоий тузилмаларда ўз тақдирини ўзи белгилаш билан шуғулланишга мажбур. Замонавий инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнларига жамиятнинг кундалик ҳаётини виртуаллаштириш сезиларли даражада таъсир қилади ҳамда ижобий ва салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бир томондан, виртуал реаллик инсоннинг акс эттириш фаолиятини чеклайди (баъзан бутунлай йўқ қилади), уни танқидий фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилади, унинг дунё ва ўзи ҳақидаги ғояларини бирлаштиради. Шу билан бирга, онгни виртуаллаштириш орқали инсон нафақат маълумотни танқидий баҳолаш учун асосларни, балки келажакда ўз дунёқарашини ҳам йўқотиши мумкин.

Бошқа томондан, ахборот жамиятнинг ҳам, шахснинг ҳам ривожланишида стратегик ресурс бўлиб, ўз-ўзини такомиллаштириш ва шахсий ўсиш учун янги имкониятларни тақдим этишга қодир. Ниҳоят, ахборот технологиялари “Мен – Бошқа”, “Мен – Сен” режимидаги ўзаро алоқалар тармоғини кенгайтириш орқали инсон ҳаётининг муқаддаслигини, бахт ва бахтга бўлган умуминсоний ҳуқуқни эътироф этишни, ўз-ўзини англаш, космополит бирдамликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва инсоният мавжудлиги муҳитини сақлаш бурчини назарда тутувчи ягона этос (ахлоқ) нинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Ю.Хабермас унинг асосларини “оқилона ахлоқий муносабатнинг эгалитаризми (тенглиги)” ёки “бегоналар орасидаги мавҳум воситачи бирдамлик” деб тавсифлаган.

Одамларнинг онлайн ҳамжамиятларга бирлашиши замонавий инсоннинг “ўзини ўзи яратиш лойиҳаси” (Э.Гидденс)ни амалга ошириш шаклида доимий равишда ўз шахсиятини излаш билан боғлиқ. “Шахс бўлиш нафақат рефлексив ҳаракат қилувчи, балки шахс тушунчасига (ўзига ва бошқаларга нисбатан) эга бўлишни ҳам англатади)”. Бошқача қилиб айтганда, “ўз-ўзини лойиҳалаш” виртуал маконда турли хил ўзаро таъсирларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшиши мумкин, бу эса кейинчалик реал ижтимоий роллар, амалиётлар ва институтларга таъсир қилади.

Виртуал маконда мулоқотнинг ўзига хослиги реал вақт режимида, эҳтимол муҳокама қилинаётган мавзу бўйича файллар ёки интернет ҳаволалари кўринишидаги визуал иловалар, шунингдек, электрон почта хусусиятлари билан бирга бўлади. Виртуал мулоқотнинг сабаби ҳам “жонли” мулоқотнинг объектив имкониятининг йўқлиги, ҳам реал ҳаётда мулоқот қилишни хоҳламаслик (лаёқатсизлик) бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, интернетнинг виртуал реаллик мулоқот имкониятларини кенгайтиради, ҳатто унинг илгари фақат танланган, ижодий қобилиятли одамлар учун мавжуд бўлган турларини ҳам оммага очиқ қилади. Шу билан бирга, инсоннинг кундалик ҳаётини виртуаллаштириш янги турдаги социал-маданий ўзгаришларнинг шаклланишига олиб келади: одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва уларнинг ижтимоий-маданий алоқалари тамойиллари деформацияланади, ижтимоий тизим элементларининг иерархик бўйсуниши йўқолади; ижтимоий тузилмалар “нооаниқлашади” ва ҳоказо.

Замонавий жамиятни виртуаллаштиришда интернетнинг ролини қуйидагича белгилаш мумкин:

- ✓ интернет одамлар ўртасидаги мулоқотда горизонтал алоқаларни ўрнатиш имконини беради;
- ✓ интернет ахборотни мажбурлаб “тиқиштирмайди”, у фақат ихтиёрий идрок этиш учун таклиф қилинади;
- ✓ интернет ҳар кимга ахборот жараёнининг иштирокчисига айланиш имконини беради;
- ✓ интернет манипулятив алоқа учун зарур шарт-шароитларни яратмайди, аксинча уларни йўқотади. Савол-жавоб жараёни алдаш ва манипуляция қилиш имкониятини бермайди;

✓ интернет (онгни тўсиб қўювчи оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ) инсонни озод қилади ва уни фикрлашга ундайди;

✓ интернет, мавҳум оломон ёки стандарт қатламга муқобил равишда локал жамоаларни яратади. Улар жамият структурасини ўзгартириб, ўз-ўзини ташкиллаштиради ва ўз-ўзини бошқаради;

✓ интернет ахборот ўзаро таъсирининг янги соҳасини ташкил этади, жамоатчилик билан алоқаларнинг янги турларини пайдо бўлишига олиб келади.

Умуман, интернет алоқалари тескари алоқа элементларини ўз ичига олади ва катта масофалар билан ажратилган одамларнинг жонли, очиқ ва кенг қамровли мулоқот қилиш учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратади. Интернетнинг фаолияти туфайли этник, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фарқларга қарамай, умумий манфаатлар, интилишлар, ижтимоий-маданий йўналишлар билан бирлаштирилган глобал, тобора ўсиб бораётган одамлар ҳамжамияти шаклланмоқда. Интернет шу тариқа интегратив функцияни бажаради. Аммо интернетнинг замонавий жамият ҳаётига киришининг асосий натижаси ижтимоий муҳитни индивидуаллаштиришдир.

Ижтимоий хизматларни виртуаллаштириш ижтимоий амалиётнинг барча жабҳаларида истисносиз тобора ортиб бораётган иштирокини нафақат бир мамлакатда, балки бутун дунё жамияти миқёсида кўриш мумкин.

Виртуал хизматлар Интернетдан тижорат мақсадларида фойдаланишнинг барча соҳаларини қамраб олди: таълим (масофавий), кўнгилочар, саёҳат, алоқа ва харидлар, тўлов операциялари. Ишбилармонлик муносабатларининг барча жиҳатлари Интернетда амалга оширилади: савдо, маркетинг, молиявий таҳлил, тўловлар, ходимларни қидириш, фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик. Электрон тижорат ҳам етказиб берувчиларга, ҳам мижозларга фойда келтиради. Интернетнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши етказиб берувчилар учун савдо бозорининг кенгайишига ва харидор учун танловга олиб келади.

Электрон виртуал хизматнинг жозибадорлиги айнан етказиб берувчининг ҳам, мижознинг ҳам бир вақтда фойда олишидадир. Етказиб берувчи глобал савдо бозорини, юқори рақобатбардошликни, индивидуал ишлаш қобилиятини, таъминот занжирини қисқартириш ёки йўқ қилишни, харажатларни камайтиришни, янги бизнес имкониятларини қўлга киритади.

Мижозларнинг афзалликлари: катта танлов, юқори сифатли хизмат, товар ва хизматларнинг индивидуал танлови, тезкор жавоб, нархларни пасайтириш, янги маҳсулот ва виртуал хизматлар ҳақида маълумотлар. Электрон бизнесда тарафлари томонидан олинадиган имтиёзлар-битимлар амалга ошириладиган Интернет муҳитининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Фойдаланувчилар навигация дастурлари ёрдамида атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлишлари, таркибни ўрганишлари мумкин.

Виртуал хизматларни электрон бизнесда тўлов тизимларининг мавжудлиги учун асос Интернет орқали тўловларни амалга ошириш хавфсизлигини таъминлаш усуллари ҳисобланади, чунки тармоқ ташқи кириш учун бутунлай очиқ. Электрон пуллар – бу электрон имзо билан шифрланган ва қалбакилаштиришдан ҳимояланган, глобал ахборот тармоқлари орқали узатилиши тўловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маълумотлар мажмуасидир. Электрон пулнинг икки тури мавжуд:

- мижознинг банкка ўзига тегишли нақд бўлмаган пул маблағларини бир ҳисоб варақдан бошқасига ўтказиш учун берган электрон топшириқлари. Бундай буюртмалар глобал тармоқлар орқали узатилади ва шунинг учун, принципиал жиҳатдан, виртул хизматни электрон пул таърифига киради. Бу буюртмалар маълум бир банкда қўйилган ва жаҳон валюталаридан бирида ўлчанадиган реал депозитларга асосланади. Ушбу тасниф шу турдаги пуллар кўплаб муаллифлар томонидан электрон пул деб аталгани учун берилган. Бизнингча, бу ҳодисани электрон тўлов ёки электрон буюртма деб аташ тўғрироқ бўлади. Электрон пулни ҳеч қандай реал валютада ҳисоблаш шарт эмас. Баъзида бундай пуллар товар билан таъминланади. Улар глобал тармоқда (ва фақат унда) “мустақил ҳаёт” олиб бориши ёки “электрон ҳамёнларда” сақланиши ва махсус кўчма қурилмалар, жумладан, нақд пул каби

компьютерга уланган қурилмалар орқали узатилиши мумкин. Улардан биринчисини виртуал пул, иккинчисини эса электрон нақд пул деб аташди.

Ушбу икки турдаги электрон пулларнинг умумий томони шундаки, улар хусусий фирмалар (Марказий банк томонидан назорат қилинмайди) ва ёки банклар томонидан чиқарилади ва улар нақд ёки нақд бўлмаган пул ёки товарларга қандайдир схема бўйича алмаштирилиши мумкин. Бундай пуллар Интернет орқали товарлар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишнинг қулай воситасидир. Иқтисодиётдаги хизматларни виртуаллаштиришнинг биринчи босқичини ҳақли равишда пул тизимининг пайдо бўлиши деб ҳисоблаш мумкин. Ижтимоий хизматларни виртуаллаштиришнинг яна бир кўриниши виртуал таълимда масофавий телекоммуникация орқали ўқитиш.

Хулоса

1. Жамият ижтимоий-маданий ҳаётининг виртуаллашуви шароитида инсон капиталини юксалтиришнинг муҳим шартларидан бири – “портлаш эффектини” вужудга келтириш ва самарадорлик коэффицентини янада ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқлари, замонавий таълим олишнинг самарали механизмлари билан уйғунлаштирилган ҳолатларда кутилган натижаларни бериши мумкин.

2. Инсоннинг ахборот технологияларига мослашиш ҳодисаси, унинг тақдирга тан бериб яшаш учун курашдан иборат пассив ҳаракати натижаси эмас, аксинча, ахборот маданиятини юксалтириш кўникмасига эга бўлиш, ўз онги ва қалбига таъсир этувчи ахборот муҳитига онгли, фаол муносабати билан характерланади.

3. Ахборотлашган жамият ривожланишини белгиловчи базис муносабатлари мажмуаси, инсоннинг мавжуд ахборотларни ўзлаштириш мақсади йўлидаги уни ўзгартиришдан иборат ижтимоий фаоллиганинг асоси ҳисобланади. Бундай ҳолда, ахборот базиси инсоний муносабатларнинг нисбатан мустақиллиги, фақатгина амалий фаолиятининг натижаси эмас. Чунки, “жамиятнинг виртуаллашуви ва инсоннинг ахборот маданияти” мажмуасидаги амалий муносабатларда ўз ифодасини топади.

4. Ҳозирги даврда ахборотлашган жамиятни ривожлантириш соҳасидаги амалий муносабатларни, ёшларда ахборот маданиятининг бевосита бирламчи мавжудлик шарти, деб қараш умуман методологик жиҳатдан хатодир. Чунки, ахборот маданияти ривожланишининг назарий даражаси ижтимоий-маданий муносабатларни пассив идрок етишига эмас, балки инсоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, ахборот муносабатларни ҳаракатга келтирувчи механизмдир. Бунда виртуал реаллик феномени инсоннинг ахборот олишга бўлган маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришнинг технологик жараёнини ифодалайди.

Библиография

1. Ўзбекистон Республикасининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. 2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. –Т.: “Ўзбекистон овози” газетаси. № 223 (479), 2021 йил 7 ноябрь
3. Силаева, В. Л. Подмена реальности как социокультурный механизм виртуализации общества: дисс. …канд. филос. наук. – М.: МГТУ им. Н Э.Баумана, 2004. – С. 46.
4. Helm Michel. The MeTaphisics of virtual reality // Virtual reality, practice and promise Westport and London. 1991.-P. 27-33:
5. См. подробнее: Давыдов А.А. Компьютационная теория социальных систем // Социс. – 2005. – № 6.
6. Давыдов А.А. О компьютационной теории социальных агентов // Социс. – 2006. – № 2. – С. 20.
7. Хабермас Ю. Расколотый Запад. – М., 2008. – С. 21.

8. Giddens A. Modernity and self-identity: Self and society in the Late Modern Age. – Cambridge: Polity Press, 1991. – P. 53.
9. Нормаматова М.Н. Жамиятни виртуаллаштириш: асосий омиллар ва детерминантлар. // Falsafa va hayot. Xalqaro jurnal. – Тошкент, № SI-2 Август 2021 – Б. 201-210.
10. Корсунцев И.Г.Субъект и виртуальная реальность.М., 1998 г

ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

2 MAXCYC CON

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

SPECIAL ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000